2004 ЙИЛ – МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 6 декабр, шанба № 189-190 (1615)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.

Бугун биз мана шундай эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, шуни айтиш зарурки, бундай қараш ва бундай сиёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади.

КОНСТИТУЦИЯ - ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Анъанага кўра, бу йил ҳам 5 декабрда Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намоёндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, неча йилдирки, юртимиз янги йилни янги бир хайрли ном билан қарши олади. Бундай номлар замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги мужассам.

Юртбошимиз истиқлол йилларида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида мантиқий асос, ўзаро узвийлик мавжудлигига эътиборни қаратди.

Ўтиб бораётган Обод маҳалла йилида юртимизнинг ҳар бир гўшаси янада ободонлашди, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари тағинда мустаҳкамланди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур маҳаллаларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Президентимиз кириб келаётган 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари билан маъқулланди.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз, - деди Юртбошимиз.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА)

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, сизлар орқали барча халқимизни Конституциямизнинг ўн бир йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар йили бу қутлуғ санани пойтахтимиз Тошкентда, вилоят ва шаҳарларимизда, бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан Асосий қонунимизнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти, унинг олдимизга қўяётган вазифалари ҳақида сўз юритамиз. Ҳозиргина Олий Суд раиси Фарруҳа Муҳиддиновaнинг мазмунли маърузасида баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда, рухсатингиз билан, мен ҳам ўзимнинг Конституциямизга алоқадор баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Мана, 11 йилким, биз ҳаётимизнинг Асосий қомуси бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳрлаб берувчи Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз. Мана, 11 йилким, Конституциямизда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида том маънода белимизни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бугун мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституциямиз олдимизга қўйган мақсадлар билан қиёслаб-таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, Конституциямиз ғояларини амалга оширишда қўлга киритган ютуқларимиз, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимиздаги ҳали-бери ечилмаган муаммо ва нуқсонлар, олдимизда турган тўсиқ ва ғовлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритиш, уларни бартараф этиш ҳақида бош қотириш кераклигини уқтириб ўтмоқчиман.

Нега деганда, биз ўз фаолиятимизга танқидий, холисона баҳо бермас эканмиз, то ҳануз йўлимизда дуч келаётган нуқсон ва камчиликларни тан олмас эканмиз, уларни ечишга четдан келиб ҳеч ким ёрдам бермайди. Бу аччиқ ҳақиқатни барчамиз ўз ҳаётимизда, ўз мисолимизда кўрдик ва кўрмоқдамиз.

Содда қилиб айтганда, шуни яхши тушуниб олиш керакки, ютуғимиз ҳам, камчилигимиз ҳам фақат ўзимизнинг ишимиз. Бу камчиликларнинг, ҳаётимизда ҳамон учраётган қийинчилик ва етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига аввало ўзимиз сабабчимиз ва уларни бартараф этиш учун ҳам ўзимиз жавобгармиз.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормоқдамиз.

Шу ўтган вақт мобайнида қанча-қанча суронли кунларга дуч келмадик, ҳаётнинг ўзи бизларни не-не синовлардан ўтказмади. Ва бугун ҳам - буни очиқ айтиш керак - дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда давом этаётган нотинчлик, халқаро майдонда терроризм хатари кучайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, биз қандай таҳликали, ўта хавфли замонда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Мана шундай вазиятда юртимизни эсон-омон, осмонимизни мусаффо сақлаш, ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан оғишмай олдинга юриш нақадар оғир ва мураккаб вазифа экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Шу минбардан туриб бугунги кунимиз, келгуси авлодларимиз олдида ўз масъулиятимизни чуқур сезган, англаган ҳолда, бир ҳақиқатни қатъиятлик билан таъкидламоқчиман: биз ҳеч кимга тобе бўлмасдан, турли сиёсий ўйинлар гирдобига тушмасдан, ўз миллий манфаатимизга жавоб берадиган мустақил сиёсатни давом эттирамиз. Агар баъзиларга ўхшаб, кимнингдир етовида кўр-кўрона юрадиган бўлсак, тақдиримизни ҳал қилувчи масалалар бўйича узоқни кўзламасдан, енгил-елпи қарорлар қабул қилсак, ўйлайманки, бундай сиёсатнинг умри қисқа бўлади. Ва бундай йўл охир-оқибатда келажагимизга зиён етказиши, оғир пушаймонликка олиб келиши муқаррар.

Биз яхши биламиз ва жаҳон тарихи ҳам шундан далолат берадики, ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз қадр-қиммати ва ғурурини сақлай оладиган давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади.

Шу маънода, Конституция тамойилларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз мана шу давр мобайнида ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди. Ҳатто бизни хуш кўрмайдиган айрим сиёсатчи ва таҳлилчилар ҳам бу йўлнинг тўғри эканини тан олди ва бу сиёсат бугун ўзининг ижобий натижалари ва ҳосилини бермоқда.

Бунинг исботини ҳаётимизнинг барча босқич ва соҳаларида - бу давлатимиз ва жамиятимиз сиёсий-ижтимоий тизимининг янгича, халқаро демократик асосларда шаклланиши бўладими, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели бўладими, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш бўладими, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизнинг юксалиши, халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш жараёнлари бўладими - биз танлаган йўл ва ислоҳотларнинг самарасини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг, аввало, етакчи соҳаларнинг таркиби тубдан ўзгариши, янги-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлиши, рақобатга бардошли маҳсулот ҳажми ва экспорт салоҳиятининг ўсиши, миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувига эришганимиз ва унинг тобора мустаҳкамланиб бориши, нарх-навонинг жиловланиши, умуман, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши -булар-нинг барчаси аввалambор халқимизнинг ҳаёт даражасига ижобий таъсир ўтказаётгани ҳақида гапиришга бугун тўлиқ асос бор.

Хабарингиз бор, яқинда матбуотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро Болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФнинг 2003 йил ижтимоий мониторинги натижалари эълон қилинди. Холис ва аниқ далилларга асосланган ушбу ҳужжатда юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман, инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрига етиш йўлида бизнинг қўлга киритаётган ютуқларимизнинг эътироф этилиши ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, одамларимиз онгу тафаккури, маънавий дунёсининг замонга мос равишда ўзгариб бораётгани юртимиздаги янгиланишлар жараёнининг энг муҳим белги-аломатидир, десак, асло хато бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай жамият ривожи учун моддий асослар зарур. Бусиз бугунги тараққиётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда таълим-тарбия, билим ва тафаккур бугунги кунда етакчи ва ҳал қилувчи ўринга қўйилмоқда. Миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Агар мендан, бугун биз қандай энг муҳим ва устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз керак, деб сўраса, мен бу борада кейинги йилларда ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган масалаларни алоҳида кўрсатган бўлардим.

Лўнда қилиб айтганда, ташқи сиёсат соҳасида узоқ-яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил бўлиб яшаш, дунёнинг етакчи давлатлари - у АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатлари бўладими, Россия ёки Хитой, Япония ёки Жанубий Корея бўладими - барчаси билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг куч-қудрати ва бизга бўлган хайрихоҳлигидан ўзаро манфаатли муносабатлар йўлида фойдаланишимиз лозим.

(Давоми 2-бетда)

ФАХРИЙЛАР - ЭЪЗОЗДА

Пойтахтимизда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Росзарубежцентр ваколатхонаси, «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамияти ва «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилди.

Учрашувда сўзга чиққан уруш фахрийлари ёшлигини, қонли жанглардаги иштирокини эслади. Уларнинг кўпчилиги кекса ёшда эканлигига қарамай бугунги кунда ҳам ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Чирчиқ, Янгийўл, Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидан келган фахрийлар «Фахрий» хор жамоаси иҷросидаги уруш йиллари қўшиқларини кўзларига ёш олиб тинглашди.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Улуғ байрам, катта шодиёна катта тухфалари билан гўзал. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонлари билан мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва эл фаровонлигига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ ватандошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабр куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

- Ҳаммангизга маълумки, Конституция байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимизни қутлаб, уларга ана шу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши бир анъанага айланиб қолди, - деди Президентимиз.

Бугун мен мана шу муҳташам залга тўпланган сиз, азизларимни, сизлар орқали давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланган барча ватандошларимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз касбини улуғлаб, ўз соҳасида қўлга киритаётган улкан ютуқлари, ҳаётий тажриба ва олижаноб фазилатлари билан бутун халқимиз, айниқса, ёш авлодимизга ибрат ва намуна бўлиб келаётган юртимиз фидойиларини кўрамиз.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз, аввалambор, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий нишон соҳиби бўлган миришкор ва саховатли фермер Аҳмад Нарзуллоев, уста пахтакор Аваз Эргашев, захматкаш чўпон Сериқбой Сагатов, пўлат эритувчи Абдураҳмон Абдураззоқов, театр санъатимизнинг ёркин намояндаси Зикир Муҳаммаджонов, қорақалпоқ элининг куйчиси, таниқли адиб Тўлепберген Қаипбергенов каби янги қаҳрамонларимизни табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ ИФОДАСИ

Фақат қонунларга бўйсунадиган давлат қуриш йўлидан одимлаяпмиз. Конституция бизга йўлчи юлдуз, у жами қонунларнинг негизидир. Бу кун халқнинг ҳуқуқий маданияти, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги анча юқори бўлмоғи керак. Ана шундагина биз қураётган ҳуқуқий демократик қудратли ҳокимият ўрнатилади. Аслида бу ҳокимият халқнинг ўзлиги, халқнинг қалбидир. Ўзбекистон Конституциясида ҳам «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган.

Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашни таъминловчи моддалар етакчи ўринда туради. Шахс эркинлигининг ўзи нима:

Эркинлик – кўнгилга келган ҳар қандай фикрни амалга ошириш мумкин дегани эмас. Аксинча, шахс эркинлиги – шахс мустақиллиги, унинг чуқур тафаккур ва юксак иқтидор соҳиби бўлиши демакдир. Қонунларни пухта ўрганган, ўз ҳуқуқлари ва бурчларини англаб етган, ҳаётий қарашлари ва нуқтаи назарини бир тизимга жамлаб, ўз мақсадларини умуммақсад ҳамда умумғоялар билан муштарак деб билувчи киши маънавий мустақил шахс саналади. Миллий мустақилликни мустақил шахс яратади, деган гап ҳам бор. Демак, мустақил тафаккурга эга бўлган киши ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишга ўз ҳиссасини қўша олади. Шунинг учун ҳам аждодларимиз орзулаб ўтган фозил жамиятнинг яратгувчиси – баркамол авлодни тарбиялаш миллий истиқлол мафкурасининг асосини ташкил этади.

«Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлоднинг қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак» деган эди Президентимиз. Азалий ва миллий хусусиятларимиздан бири соғлом, бақувват авлодни тарбиялаб улғайтириш, миллат келажаги учун қайғуриш ва наслнинг тозалигини сақлаб қолишдан иборат. Республикамиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бугунги авлод тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этиш зарурлиги аён бўлади. Зеро, Асосий Қонунимизда «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» (40-модда), «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга», «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади» (42-модда) дейилган. Демак, ёшлар келажагига оид муаммолар ечими қонунларимиз доирасида кафолатланган ҳамда сиёсатимиз мазмунида устувор аҳамият касб этади. Чунончи, биз қонунларни чуқур тушуниб етсак чинакам эркин фуқарога айланамиз, ишонч билан илгарилаймиз! Конституциямизда инсон ва унинг манфаатлари, фаровонлиги, бахти, келажаги асосий ўринни эгаллайди. Ҳаёт эса ҳаракатни талаб этади.

Ҳаракат эса шунчаки бемақсад вақт ўтказиш эмас, балки онгли равишда яшашдир. Ён-атрофимизда юз бераётган демократик ўзгаришлар таъсирида биз катта эзгу-истаклар йўлида қурашишни, улкан мақсадлар томон ҳамжиҳатликда қадам ташламоқни ва ўзаро бирлашиб яшашни ўрганяпмиз. Қонунларимиз бу борада бизнинг йўлимизни ёритгувчи маёқдир. Шу ўринда Конституциямиз миллат озодлигининг моҳиятини тушунишда, азалий қадриятларимизга асосланган миллий мафкурамиз тамойилларига амал қилишда ҳар биримизга куч-қувват ато этади. Улуғ мақсадлар йўлидан боришимизда бизга илҳомбахш дастур бўлаётган Асосий Қонунимизни бандма-банд ўқиш, чуқур ўрганиш ўз келажагимиз сари дадил бориш билан баробар эканини унутмаслигимиз керак.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

КОНСТИТУЦИЯ - ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Боши 1-бетда)

Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш эса - бу ҳам жуда чуқур, принципиал аҳамиятга эга - ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўзбекча айтганда, эркинлаштириш ва яна бир бор эркинлаштиришдир.

Яъни, тараққиёт пойдевори бўлмиш иқтисодиёт соҳасига давлат аралашувини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, бозор муносабати тамойилларига сўзда эмас, амалда риоя қилиш, унинг қонуний кафолатларини ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Энг муҳими, ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракатига кенг имкониятлар очиб бериш. Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яъни ишнинг негизини биладиган одамлардан таркиб топган бу тоифа салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш.

Бугун мамлакат ялпи ички маҳсулотида уларнинг ҳиссаси учдан бир қисмни ташкил этаётган бўлса, яқин беш-ўн йил ичида бу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

Бу эса, ўз навбатида, кўпкўп масалаларни, аввало, ишсизлик масаласини, қатор ижтимоий муаммоларни ечиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш имконини беради. Мухтасар қилиб айтганда, ташқи ва ички сиёсатимиз йўналишларини белгилаб берадиган бундай ёндашув пировард натижада - мен буни аниқ ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман - халқимиз ва келажак авлодларимизнинг эркин ва озод бўлиб, дунё ҳамжамияти билан тенг бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қадрли юртдошлар!

Барчангизга яхши маълум - кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга, сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда, алоҳида ном бериш ўзига хос бир анъанага айланиб қолди.

Бундан мақсад, биз шу тариқа ҳаётимиздаги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини жамиятимиз, халқимизнинг эътибор марказига қўйиб, бу муаммони ечиш учун давлат ва унинг ҳокимият идораларини жалб этамиз.

Айни пайтда жамоатчилигимизни, шу юртда яшайдиган, шу заминга фарзандлик меҳри билан қарайдиган барча одамларни ҳам бу ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш учун сафарбарликка даъват этамиз.

1997 йилдан буён қайси йилни олмайлик - бу Инсон манфаатлари ёки Оила йили бўладими, Аёллар ёки Соғлом авлод йили бўладими, Оналар ва болалар ёки Қарияларни қадрлаш йили бўладими - уларнинг барчаси негизида ана шундай олижаноб мақсад-муддаолар мужассам эканини кўриш мумкин.

Чунончи, янги асрнинг учинчи йилини юртимизда «Обод маҳалла йили» деб номлаганимиз замирида ҳам катта эзгу ниятлар кўзда тутилганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Шу мақсадларда тузилган махсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилаётганини кўрамиз.

Ўйлайманки, Обод маҳалла йилида амалга оширган кўпгина ишларимизга, 2003 йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда албатта якун ясаймиз. Ушбу масала бўйича марказда ва жойларда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Йил давомида амалга оширган хайрли ишларимизнинг ташаббускор ва ташкилотчилари бўлган фаолларимизнинг меҳнатига ҳам муносиб баҳо берилади.

Менга буюрса, аввало, ўз ишини қандайдир ҳисобот ёки кўз-кўз этиш, кимгадир миннат қилиш учун эмас, балки дил амри, қалб эҳтиёжи деб биладиган, ён қўшни - жон қўшниси, ўз маҳалласи учун жон куйдириб ишлаётган бундай инсонларни бошимга кўтарардим, бағримга босиб, ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдирардим.

Ҳаётга мана шундай фаол муносабат билан яшайдиган, меҳнати доим ҳам кўзга ташланмайдиган, аммо жамият учун ўта зарур, ўта муҳим вазифани адо этадиган ана шундай одамлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кам бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар менинг фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар!

Мен ҳозир сизларнинг ҳузурингизда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси бўйича батафсил ахборот бериб ўтирмасдан, бу борада бажарилган энг муҳим ишларнигина эслатиб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Аввало, шуни қайд этиш керакки, йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди.

Буни 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтқазилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилгани, бу эса одамларнинг, аввало, аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга сезиларли таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш жоиз.

Айни пайтда маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширган катта ишларимиз қаторига киради. Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу удуми бўлмиш ҳашар йўли билан бажарилгани айниқса ибратлидир.

Шу маънода маҳалла фаолларининг ташаббуси билан Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарларида қарийб 12 ярим миллион ҳамюртимиз иштирок этганини, ҳеч шубҳасиз, миллий қадриятларимизнинг яна бир амалдаги намоёни деб баҳолаш мумкин.

Жорий йил давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 минг янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани айниқса диққатга сазовор. Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

Бунга қўшимча равишда республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Муҳтарам қарияларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дорилармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар, саломатлигини тиклаш учун қўшимча маблағлар ажратилди, 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилгани, турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюссельдаги штаб-квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» номли кўргазма намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, якунига етиб бораётган йилни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошлаган ишларимизни давом эттириш, яна кўплаб ишларни эса жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди. Аввалambor, маҳаллага кўпроқ аҳамият бериш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга доир қатор масалаларнинг қонуний асосда ҳал этилишига имкон туғилди.

Шу билан бирга, маҳалла тизимига доир айрим муаммолар ҳали-ҳозир ўз ечимини топмаганини ҳам эътироф этиш лозим. Бу масалаларни ҳал қилиш устида тинимсиз иш олиб бориш бундан буён ҳам бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиши керак.

Мисол учун, шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Бу сайловларнинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс.

Нега деганда, мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла оқсоқоли, қарийб 75 минг раис маслаҳатчиси ҳамда турли комиссияларнинг раислари ана шу сайловлар орқали сайланади.

Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларни сайлаш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳақида таклифлар тайёрлашни маъқул, деб биламан.

Кўряпсизки, азиз дўстлар, маҳаллаларимизни ва маҳаллада яшаётган одамларнинг ҳаётини том маънода обод этиш, оғирини енгил қилиш учун ҳали олдимизда яна талай вазифалар турибди. Биз шуни яхши тушунамиз, бошлаган кўпгина хайрли ишларимизни давом эттириш ва охиригача етказиш бир йил ёки битта дастур билан тугамайди, албатта.

Шу фикрларни инобатга олган ҳолда, юртимизда олиб бораётган барча савобли ишларимизга, эзгу интилишларга жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг эътиборини, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида мен кириб келаётган янги - 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишни таклиф-этмоқчиман.

Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз.

Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки қишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.

Бугун биз мана шундай эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, шуни айтиш зарурки, бундай қараш ва бундай сиёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади.

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳа, бугун биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда қарор топтириш йўлидан бормоқдамиз.

Лекин мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодиётни ва ижтимоий моделни, яъни устувор йўналишларни танлаган эканмиз, ўзгалардан фарқли ўлароқ, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши мақбул эмаслигини эълон қилганмиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ҳаётда ҳаммамиз ҳам бой бўлишни, бадавлат яшашни хоҳлаймиз. Ва бу табиий ҳол, табиий интилиш.

Албатта, шундай ҳаётни қарор топтиришда, ҳар қайси инсон Яратганнинг ўзи унга ато этган қобилиятини рўёбга чиқариши учун давлатимиз ва жамиятимиз барча шароит ва имкониятларни туғдириб бериши керак ва аввало, муҳтож оила ва одамларга тегишли ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Лекин ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги қўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Бу бизнинг асл миллий қадриятларимизга ҳам мос келади.

Менинг имоним комил, ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади.

Муҳтарам юртдошлар!

Меҳр ва мурувват йили «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла аввало обод кўнгилдан бошланади. Биз Обод маҳалла йили шиори остида бир йил яшадик. Бугун шу йил давомида амалга оширилган хайрли ишлар одамларнинг ички дунёсига, руҳиятига қандай ижобий таъсир ўтказганини исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Кириб келаётган йилни: Меҳр ва мурувват йили деб эълон-қилишдан ҳам мақсадимиз - одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, бизнинг азалий қадриятларимизга суяниб ишга келаётганимиз 12 йил давомида ўзини оқлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва динимиз арконлари ҳаётимизга тобора кенг кириб бораётгани юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишига, айниқса, ҳар қандай одамга парвоз учун қанот берадиган муқаддас бешик бўлмиш оилани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мана шундай фазилатларни юртдошларимиз онгу тафаккурига сингдиришга муносиб ҳисса қўшаётган нуроний қарияларимизга, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига - мен шуни очиқ айтишим керак - ҳаётимизнинг оғир-енгилига бардош бериб, жамиятимизнинг таянч устунлари бўлиб келаётган муҳтарама оналаримиз, мунис опа-сингилларимизга мана шу минбардан яна бир бор таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Ҳар сафар сиз, азизлар билан кўришар эканман, мана шундай учрашувдан мен учун қувонч ва куч-қувват беради.

Бугун ҳам шу учрашувдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга қалбимдаги меҳр ва севгимни изҳор этиш имкониятига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Барчангизни Конституциямизнинг 11 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Боши 1-бетда)

Бугунги тантанали маросимда ўзининг ибратли ҳаёти, бебаҳо илмий ва ижодий мероси билан мамлакатимиз илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс хизмат қилган, бутун умрини эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида бағишлаган марҳум ватандошларимизни эслаш ва қадрлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу маънода, машҳур файласуф, жасоратли инсон Иброҳим Мўминов, қишлоқ хўжалиги фанининг етук намояндалари Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаев, юрак жарроҳлиги соҳасида ўз мактабини яратган Восит Воҳидов каби буюк олимларимизни, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам замондош ва шогирдларига ибрат бўлган Шуҳрат ва Асқад Мухтордек мумтоз адибларимиз, маданиятимиз тарихига номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Толибжон Содиқов сингари ўлмас сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган дунёда Ватан ва халқ олдидаги хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини яна бир карра исботлайди.

Бугун мен мана шу залга жам бўлган инсонлар тимсолида кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларини, ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз-мураббийларни, халқимиз салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш учун самарали меҳнат қилаётган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндаларини кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Бугун сизларнинг орангизда ҳозирги таҳликали замонда осмонимизни мусаффо сақлашга, юртимизни ҳар қандай таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган, хавфсизлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраб келаётган мард ва жасур ўғлонларимиз, ҳарбийларимиз борлиги, албатта, барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бугун мана шу даврамизда ўтирган, ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган сиз - навқирон авлод вакилларини, Ўзбекистонимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган спортчи ёшларимизни қутлаш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Афинада бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман, -деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

- Бугун-эртага барча вилоятларимизда, меҳнат жамоаларида ҳам мукофотларни топширишга бағишланган мана шундай шодиёна маросимлар бўлиб ўтади, - деди Президентимиз.

Мен бугун - бепоён далаларда ёки корхоналарда бўлади, мактаб ёки олий ўқув юрти, тиббиёт ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими - барча жабҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, том маънода ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб келаётган жамики юртдошларимни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман.

Худдики уларга ҳам юксак мукофотларни ўз қўлим билан топширгандек, кўксингизга ярашиб турган унвон ва нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга омад ва бахт келтирсин, деб ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сиз орқали бутун халқимизни яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Зикир Муҳаммаджонов ва Тўлепберген Қаипбергенов, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган марҳум адиб Шуҳратнинг ўғли «Ўртаосиётранс» ҳиссадорлик компанияси касаба уюшмасининг раиси Фикрат Алимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Алиса Подпоренко, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Манзурахон Эгамова, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени нишондори Михаил Киктев ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси, «Дўстлик» ордени соҳиби Руслан Шарипов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундаши, янгиянги зафарли марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидлади. Юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

Адолатли, демократик, инсонпарвар давлат – Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фахрланаман. Зеро, унинг Бош Қомусида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» дейилган.

МЕН – ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН

Конституцияси умуминсоний тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби инсонпарвар ғояларга хизмат қилаётган Ватаним – Ўзбекистон камоли, истиқболи учун қувона-қувона меҳнат қиламан. Менга шундай толени насиб этган тақдиримга шукроналар айтаман.

Ўзбеклар менинг биродарларим, жонлари жонимга туташ юртдошларим. Уларнинг давраларида ўзимни бахтиёр ва бебаҳам сезаман. Кўни-қўшниларнинг тўю маъракаларидан қолмайман. Ўзбекнинг бирор хонадонида карнай садолари янграса, ўз уйимда тўй бўлаётгандек қувонаман. Онажонимнинг ҳикоя қилишларича, 1937 йилнинг мудҳиш даҳшатлари бизнинг оиламизни ҳам Ватандан жудо этган. Немис, қалмоқ, ингуш, крим-татарлар каби биз корейслар ҳам яшаш жойимиз Приморье ўлкасидан мажбурий равишда кўчирилган эканмиз. Ўшанда меҳмондўст, бағрикенг ўзбек биродарларимиз биздан яхши сўзи, уй-жойи, хатто, нону ошини ҳам аямаган. Аввалига биз Сурхондарёда яшаганмиз.

Кейинчалик Тошкентга кўчиб келганмиз. Менга ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги она халқимни эслатади. Улар ҳам корейслардек, меҳнаткаш, қалби пок, ҳалол ризқ билан кун кўрувчи халқдир. Бугунги кунда ўзбек ёру биродарларимсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Улар умрим мазмунига айланган. Айниқса, мустақилликдан кейин мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар янгича босқичга кўтарилди.

Миллий-маданий марказлар тузилди. Корейс миллий-маданий маркази ҳам шулар жумласидандир. У миллий маданиятимизга, анъаналаримиз ва қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлигидан қувончим чексиз. Ҳамкорликда барпо этилаётган қўшма корхоналар, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ипини янада мустаҳкамланаётгани биз Ўзбекистонда яшаётган корейслар учун беҳад қадрлидир. Миллатим, миллий қадриятларим менга қанчалик азиз бўлса, ўзбек дўстларим, киндик қоним тўкилган Ўзбекистон диёри ҳам мен учун шунчалар муқаддас ва қадрлидир.

Лариса КИМ,
Тошкент шаҳри

АДОЛАТ МЕЗОНИ

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда айни пахта териси авжига чиққан кунлар эди. Қишлоғимизда таъзия бўлди. Фарзанди урушда бедарак кетган онахон армон билан дунёдан ўтди. Унинг ҳурматини жойига қўйиб, охирги манзилига элтиш тараддудида эдик, бир пайт раисимиз пайдо бўлди. Марҳума руҳига фотиҳа қилиш қаёқда дейсиз, таъзиядорларга ўшқириб кетди. «Эртага хўжалик рапорт бериши керак. Сенлар нима қилиб турибсан бу ерда? Пахтани ким теради?» Давра сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Марҳума шу йигитни болалигидан ўзи тарбиялаб воя-га етказган, ўлганимда тобутдкашим бўлади, деб умид қилган эди. Минг афсуски, шу куни онахоннинг муроди ҳосил бўлмади. Сўз қайтаргани учун унинг асранди ўғлини хўрлашди. Қолган ёшларни далага ҳайдашди. Қариялар минг афсус билан марҳумани қабрга қўйишди. Ҳа, ўша даврда оддий одамларга қийин эди. Шукрки, қонун устуворлиги таъминланган ҳозирги кунларга етиб келдик. Нафақат ҳаётимиз, эркинлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқларимиз, балки оиламиз, фарзандларимиз саломатлиги ҳам бугун қонун билан кафолатланган. Барча фуқаролар қонун олдида тенг. Ижтимоий адолат ҳар соҳада устуворлик касб этмоқда. Инсон номининг улуғлиги Конституциямизда ўз аксини топди. Хуллас, юртимизда қонунлар устуворлиги адолат мезонига айланганлиги беқиёс мамнунликдир.

Неъмат ҳожи ҚОРИЕВ,
Самарқанд вилояти

АЁЛГА ЭҲТИРОМ БУЮКЛИК РАМЗИ

Хотин-қизлар миллат кўрки, жамият таянчидир. Аёлларсиз ҳаётни, жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил мамлакатимизда эса хотин-қизлар ҳар томонлама ҳимояланган. Бугун олис қишлоқларда деҳқончилик қилаётган аёлдан тортиб, йирик корхоналарни бошқараётган раҳбар аёлгача, фарзандларини қалб кўри билан тарбиялаб, уларга Ватанни севишни ўргатаётган онадан, мамлакат қонунларини яратишда иштирок этаётган депутат аёлгача барча-барчаси қалбида меҳр-муҳаббат билан бирга, эл-юрт иши учун фидойилик, бунёдкорликдек буюк туйғу бор. Негаки, уларнинг барча ҳуқуқлари қонунларимиз билан мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги эътироф этилган бўлса, 46-моддада эса хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги ўз ифодасини топган. Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун давлатимиз кенг миқёсда тадбирларни амалга оширмоқда. Бу эса сиёсий ҳаётга эркаклар билан аёлларнинг тенглигини ифодалаб, аёлларнинг оиладаги ўрни, саломатлиги, фарзандлар тарбияси учун катта имтиёзларни юзага келтиради.

Бу эса жамиятда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди ва уларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантиради. Оила Кодексининг қабул қилиниши ҳам бу борадаги эзгу иш бўлди. Бу муҳим ҳужжатда оилани мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни муҳаббат, ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва оила мустаҳкамлиги учун барча аъзоларнинг масъуллиги, бирор шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашувига йўл қўймаслик, бир сўз билан айтганда, оилани ҳимоя қилишга қаратилгандир. Шунингдек, унда оилавий муносабатларни тартибга солиш, эркак ва аёлнинг ихтиёрий никоҳи, эр ва хотиннинг мулкий тенг ҳуқуқлилиги, оилавий масалаларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, болалар тарбияси ўз аксини топган.

Бундан ташқари, Меҳнат, Фуқаролик, Уй-жой Кодексларида ва бир қатор ҳуқуматимиз қонунларида аёлларнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларни жамиятдаги фаоллигини оширишга доир қоидалар яратилган. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан ўндан ортиқ хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. «Олима», «Тадбиркор аёллар» каби уюшмалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, давлат ва жамият қурилишида фаоллик кўрсатаётган минглаб аёллар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва маънавият соҳасида алоҳида хизмат кўрсатган истеъдодли хотин-қизлар учун «Нодирабегим», «Гулбаданбегим», «Гавҳаршодбегим» мукофотлари таъсис этилган. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш ниятида ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти юзлаб истеъдодли қизларни кашф этди. Мен ҳам ана шундай шарафга мушарраф бўлган Зулфияхоним қизларидан эканлигимдан беҳад мамнунман. Қаерда бўлмай Президентимизнинг юксак ишончлари, халқимизнинг эҳтироми, улуғ шоирамизга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қиламан. Айни кунда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг учинчи босқич талабасиман. Курсимизда мен билан бирга ўқиётган икки дугонам Зулфияхоним номидаги мукофот соҳибалари. Учовимизни ҳамма Зулфияхоним қизлари деб чақиради. Биз эса ҳамиша аъло ўқишимиз, жамоат ишларида иштирокимиз билан намуна бўлишга интиламиз. Аслида бундай эҳтиром мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ҳурмат ва буюклик рамзидир. Зеро, аёлни эъзозлаган, қизларига алоҳида ҳурмат кўрсатган юрт қудратли бўлади.

Навбаҳор РАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

ҚОНУНЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган қисқа давр ичида жуда кўплаб қонунлар қабул қилинди, амалдаги қонунларимизга тузатишлар киритилди. Масалан, мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим тўғрисидаги ва бошқа бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши, амалдаги Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Жиноят, Жиноят процессуал, Меҳнат, Оила, Уй-жой ва бошқа барча Кодексларнинг яхшиланиши замирида асосан адолат ва ҳақиқат, инсон манфаатлари назарда тутилди.



Президентимиз ўз маърузаларида «Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масаласи, қўйинг-ки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур», - деб таъкидлаган эдилар.

Бутун жаҳон тан олган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»да кўрсатилган инсон ҳуқуқларига оид барча қоидалар, яъни инсон эркин туғилиши, яшаш, озодлик ва шахсий дахлсизликка эгалиги, инсон барча турдаги қийноқларга солинмаслиги, барча инсонларнинг қонун олдида тенглиги ва қонун олдида бир хил ҳимояланиши, ҳеч кимнинг ноқонуний қамоққа олинмаслиги, ушланиши ва қувғин қилинмаслиги, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши, ҳеч кимнинг оилавий ва шахсий ишларига аралашмаслик, вояга етган эркак ва аёллар миллати ва ирқидан қатъи назар никоҳдан ўтиб, оила қуришга ҳақлилиги, оила жамиятнинг дебочаси эканлиги, инсон мулк эгаси бўлиши ва уни тасарруф қилишга ҳақли эканлиги, эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, иш танлаш ва ишлаш ҳуқуқига эгалиги, ишсизликдан ҳимояланиш,дам олиш, меҳнат таътилига чиқиш, оналик ва болаликнинг ижтимоий ҳимояланиши, бепул таълим олиш, даволаниш ва шунга ўхшаш бошқа инсон ҳуқуқлари мустақил давлатимизнинг Конституциясида ва қонунларида асосли мустаҳкамлангандир.

Конституциямизда «Инсон, унинг ҳаёти, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади», деб қайд этилганлиги ҳам қонунларимизнинг юқори даражада инсонпарварлигидан далолат беради.

Мавжуд қонунларимиз асосида инсонга ўз ҳуқуқларини ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш учун тўлиқ имкониятлар яратиб берилганлиги боис давлатимизда яшайдиган ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, чекловчиларсиз ариза, шикоят, таклиф, даъво ариза билан суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бемалол мурожаат этишга, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, қарорлари устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Мустақиллигимиздан аввал фуқароларнинг кўп қисми ўз меҳнат ҳуқуқлари бузилганда ёки давлат идоралари билан бўладиган низоли масалаларда судга мурожаат қила олмас эдилар. Бугунги кунда эса бу чекловлар олиб ташланди ва фуқаролар тенг ҳуқуқларда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан ҳамда маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги талаблари билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга бўлдилар.

Айни шундай низолар юзасидан ишлар бугунги кунда судларда кўрилмоқда. Масалан, 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судлари томонидан жами 4848 та ҳар хил турдаги ишлар кўриб чиқилди ва ҳал этилди, улардан 3961 та иш бўйича даъволар қаноатлантирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Шу даврда 91 нафар ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларга 10 миллион сўмга яқин моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ва қарорлари устидан ҳамда маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги талаблари билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга бўлдилар.

Айни шундай низолар юзасидан ишлар бугунги кунда судларда кўрилмоқда. Масалан, 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг 2003 йилдаги ҳал қилув қарори билан иш ҳақлари даъвогарлар фойдасига ҳал этилди.

Қонунларимизнинг инсонпарварлиги яна шунда кўринадики, фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар судларда қонунда кўрсатилган баъзи бир ҳолатлардан мустасно равишда очиқ суд мажлисларида кўрилади ҳамда суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, она тилида кўрсатма ва тушунтиришлар бериш, судда сўзлаш, таржимон хизматидан фойдаланиш, фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнида узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган шахсга вакиллар ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқлари таъминланган.

Жамиятда қонун устувор бўлиши ва адолат таъминланиши учун биринчи навбатда судлар мустақил бўлиши лозим. Президентимиз ушбу талабларидан келиб чиқиб, Конституциямизда суд ҳокимияти мустаҳкамланди.

Судларнинг 2001 йилдан бошлаб ихтисослашуви ҳам фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларни ўз вақтида қонуний ҳал этилишини, фуқароларнинг чекланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларини, уларни ортиқча оворагарчиликларига йўл қўймасдан кўриб чиқилиши, аппеляция институтининг жорий этилиши, шунингдек, жабрланувчи билан ярашув натижасида жиноят ишларининг тугатилиши ҳам ўз навбатида қонунларимизнинг инсонпарварлигидан далолат беради.

Жамиятимиз тез суръатлар билан ривожланиб борар экан қонунларимиз ҳам доимо ривожланишда бўлади, мустаҳкамланади.

Ота-боболаримиз меросидан маълумки, жамиятда қонун устувор бўлиши, адолат ва ҳақиқатга эришишнинг йўли, шариат ва тариқатни билиш маърифатли бўлишдир. Шу боис бугунги кунда биз мавжуд қонунларимизни яхши билишимиз, унга оғишмай амал қилишимиз, қонунларни узлуксиз тарғиб қилишимиз, барча мавжуд билим даргоҳларидан оқилона фойдаланиб, таълим берувчи малакали комил инсонларга эга бўлишимиз, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишимиз лозим.

М.ТЎХТАЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди судьяси

Б.ЭРНАФАСОВ олган суратлар

Урганч шаҳридаги шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш анча яхши йўлга қўйилган. Бу ерда 15 та тез ёрдам машинаси ўз вақтида техник таъмирдан чиқарилиб, доим хизматга шай қилиб қўйилган.

Суратларда: шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими шифокорлари фаолиятидан лавҳалар.

ТОПДИК КАМОЛ МЕҲНАТ БИЛАН

Ҳар қандай давлатнинг қиёфаси, нуфузи ва истиқболи ҳақиқат кўзгусидагидек унинг Конституциясида акс этади. Шу боис Бош Қомусгина давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитади. Унда халқнинг иродаси, руҳияти, миллат сифатидаги салоҳияти, маданияти ва маънавияти мужассамлашган бўлади.

11 йилдан бери амал қилаётган Бош Қомусимиз турмушимизга сингиб, ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. У ҳар бир фуқаронинг дунёқараши, орзу-интилишлари, меҳр-оқибатию инсонпарварлигида, ўзга миллат ва элатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигида, қисқаси, кундалик ҳаётида ёркин из қолдирмоқда. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз инсоний ғоялар - тенглик, эркинлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакатимиз ва қўшни юртлар халқлари осойишталиги, тинчлиги каби олижаноб ғояларга хизмат қилмоқда.

Инсон, унинг эркинлиги, ҳаёти, оиласи, саломатлиги, тинчлиги муҳофазаланган, ҳалол меҳнат қилиб, мулкдор бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилган жойда нафақат адолат тантана қилади, балки иқтисодиёт ҳам юқори поғонага кўтарилади. Республикамизда эса ҳар бир кишининг эркин касб танлаши, меҳнат қилиши, ўз интилиш ва тадбиркорлиги билан эл-юрт равнақига ҳисса қўшиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бу ҳақиқат — Бош Қомусимизнинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган ҳолат билан эътироф этилган. Бу ёғи эса ўзимизга, куч-ғайратимизга боғлиқ. Ҳар биримиз мустақил давлатимиз, она заминимиз, меҳнаткаш, самимий халқимизга меҳр-муҳаббатимиз, амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз билан ўлчанади.

Шундай экан ҳар биримиз ватанпарварлик синовидан мардона ўтайлик, ўз меҳнатимиз билан жаннатмакон юртимизни гўзал бўстонга айлантирайлик.

Мен ўзим ёшлигимдан ерни, деҳқончиликни яхши кўраман. Қарийб 100 йил умр кўрган раҳматли Ҳамдам бобомнинг умрлари ҳам ерга, элга боғланган эди. У кишидан мен деҳқончилик илмини ўргандим. Бобом ҳамиша ўз ерлари бўлишини, унга ғалла экиб, мўл-кўл ҳосил етиштиришни орзу қилардилар. Бобом орзулари орзулигича қолиб кетди. У киши кўрмаган яхши кунлар, озодлик шукуҳи биз невараларига насиб этди. Президентимиз фермерлик, пудратчиликка йўл очиб, деҳқон қалбига ишонч уруғини экди. Мен ҳам бобомнинг руҳларини шод қилиш ниятида «Ҳамдамбобо» фермер хўжалигини ташкил этишга киришдим. Аммо, барча ҳужжатлар расмийлаштирилганига қарамай, раисимиз ишни пайсалга солди. «Сенга ер олиб, мулкдор бўлишни ким қўйибди», деб дағдаға ҳам қилди. Кайфиятим бузилиб, қўлим ишга бормай қолди. Ўйлаб-ўйлаб охири газетага аҳволимни баён қилиб шикоят ёздим. Адолат тикланди. Биздек оддий деҳқонлар манфаатини суъиистемол қилган раис ишдан олинди. Шунда мендек оддий деҳқонни ҳимоя қилган қонунларимизга ишончим янада ошди. Ислоҳотлар ҳам қонунлар ҳам халққа хизмат қилаётганига амин бўлдим. Шундан бери ишлаб чарчамайман, руҳим тетик, ортимда катта суянч Конституция ва қонунлар турганини ҳис қилиб, меҳнат қилмоқдаман.

Рустам ҲАМДАМОВ,
«Ҳамдамбобо» фермер хўжалиги бошлиғи

ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

«Ҳамдўстлик» халқаро клубида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 11 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. У Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилди. Учрашувда ишлаб чиқариш, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ҳар бир мамлакат тарихида вақт ўтган сайин аҳамияти ортиб борадиган саналар борлиги таъкидланди. Бундай тарихий саналар сирасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ҳам киради. Конституциямиз халқимизнинг донишмандлиги, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий онги маҳсулидир. Бу ҳақиқатни Конституция қабул қилингандан кейин ўтган ўн бир йиллик давр тасдиқлайди. Асосий Қонунда баён этилган барча тамойил ва ҳуқуқий меъёрлар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида ўз аксини топмоқда.

(ЎзА)

УМРНИНГ ОЛТИН САҲИФАЛАРИ

Инсон ҳаётида шундай бахтли кунлар бўладики, улар умрнинг олтин саҳифалари сифатида хотирангда мангу муҳрланади. Уларни ҳар гал ёд этганингда қалбинг фахр-ифтихорга, ғурурга тўлади.

Мустақил Республикамизнинг биринчи Конституцияси лойиҳалари муҳокамаси, уни қабул қилган лаҳзалар, сўнгра байрам қилиниши... Шундай мамлакат миқёсидаги улуғ ишга иштирок этганим, ҳаётимда унутилмас кунлардир. Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун нафақат мамлакатимиз тараққиётида, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳаётида муборак онлар бўлди. Негаки, шу кунда биз ҳур мамлакатнинг эркин фуқароси сифатида мўътабар ҳужжатга эга бўлдик. Унда ҳар бир фуқаронинг тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳаёти, эркинлиги, оиласи, саломатлигига, қадр-қиммати, ор-номуси ҳимоя олинган. Тенг ҳуқуқли инсон сифатида меҳнат қилиши, дам олиши, меҳнатига лойиқ рағбатлантирилиши, шунингдек, ташаббуслар кўрсатиши, мулкдор, тадбиркор бўлиши, жаҳон халқлари ўртасида ўз билим салоҳияти билан обрў-эътибор топиши учун барча эзгулик йўллари очилди. Мана 11 йилдирки, бу йўлдан эркин, иймон-ихтиёри ўз қўлида бўлган фуқаролар эзгу манзиллар сари дадил одимламоқдалар. Ўтган даврда мамлакатимиз ҳаётида асрларга татигулик ишлар қилинди, қонунларимиз мукаммаллашиб, мустақиллигимиз мустаҳкамланди, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Ана шундай улуғ ишлар ҳақида ўйлаганимда, беихтиёр мустақил давлатимиз пойдеворини қурган илк қадамлар кўз олдимга келади. Биринчи қадам қанчалик шарафли бўлмасин, шунчалик масъулиятли ҳамдир. Чунки биринчидан ҳеч ким ўтмаган йўл машаққатларини тортиб, келажак авлодга истиқлол очадилар. Шу боис халқимиз биринчиларни ҳамиша ардоқлайди, яхши кунларда уларнинг хизматларини ёд этади. Ана шундан ҳурматга сазовор инсонлар қаторида борлигимдан фахрланаман. У кунларни эслаш қанчалик завқли. Ватан мустақиллиги эълон қилинган кун, ҳур республиканинг биринчи байроғи, давлат герби қабул қилинган дамлар шукуҳи. Ўзбекистон мадҳиясини кўзда ёш, юракда фахр-ифтихор билан барча депутатлар сессия залида куйлаганимиз. Юртимизнинг ўз орден, медаллари, илк қонун-қоидалар... Эзгу ишларни санаб адоғига етиш қийин.

Нурмат УМАРОВ,
меҳнат фахрийси

КАСАБА УЮШМА ТАШАББУСИ БИЛАН

Бахтимиз Қомуси – Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллигига бағишлаб Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан меҳнаткашлар анжумани ўтказилди.

Йиғинда меҳнаткаш инсон ҳақ-ҳуқуқлари бўйича Конституциямизда белгиланган меъёрлар асосида касаба уюшма фаоллари амалга ошираётган ишлар ҳақида сўз борди. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси акс этган амалдаги қонунларимизга таяниб кенгаш номига келаётган юзлаб ариза ва шикоятлар ижобий ҳал этилаётгани таъкидланди. Жумладан, Термиз шаҳар ободонлаштириш идораси бошлиғи А.Фозилов, «Сурхондарётелеком» шуъба корхонаси ишчиси Ф.Комоваларнинг ноҳақ ишдан бўшатилганлиги, А.Чориев, Г.Тўраева, С.Жўраева сингари ишчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганлиги ҳақида кенгаш раиси номига ёзган аризалари ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, анжуманда Сурхондарё вилоят хўжалик суди раиси М.Алланазаров, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Маматмўминов, вилоят жиноят ишлар судининг судьяси Р.Тошбоев, вилоят фуқаролик ишлари суди судьяси Д.Абдураҳмонова, адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Э.Аллаевалар Ўзбекистон Конституциясининг ҳар бир боб ва моддалари мазмун-моҳияти унинг бугунги ҳаётимизда тутган ўрни тўғрисида маърузалар қилишди.

Йиғилиш сўнгида ҳуқуқшуносларнинг меҳнаткашларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

МУВОЗАНАТ

Табиат муҳофазаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боб 50-моддасида «Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилади. Атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва уни келажак авлодларга бус-бутун етказиш бизнинг асосий вазифамиз.

Фуқароларнинг табиатни муҳофаза этиш соҳасидаги мажбуриятлари Республикамизнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер Кодекси», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари билан ҳуқуқий асосланб берилган.

Инсон ҳаёти табиат билан узвий боғланган. Табиат бани-башар учун ҳаёт бешиги. Атроф-муҳит муҳофазасига эътиборсизлик, лоқайдлик, экологик мувозанатнинг бузилиши одам ва олам учун ўнглаб бўлмас офатлар келтиришини Орол денгизининг қуриши мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Катта миқдордаги ер усти ва ер ости бойликларига эга бўлган теварак-атрофни асрий тоғ ва қирликлар, чексиз қумлик ва бепоён даштлар ўраб турган Қашқа воҳасида табиат муҳофазаси алоҳида аҳамият касб этади.

Йиллар давом этган кон қидирув ишлари натижасида минглаб гектар ерни унумдор қатлами ишдан чиқди. Амударёдан чўлга об-ҳаёт оқизилиши оқибатида сизот суви кўтарилиб, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, ер ўта шўрланиб кетди.

Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, мавжуд флора ва фаунани сақлаб қолиш, хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўпайтириш, атмосфера ҳавосини мўътадиллаштириш чоралари кўрилаяпти. Тоғ ҳудудидаги Ҳисор қўриқхонасида «Қизил китоб»га киритилган мавжудотлар кўпайтириляпти.

Ҳаводаги карбонат ангедрит гази миқдорининг кўпайиши атмосферанинг юқори қатламларида қобиқ ҳосил қилиб, мувозанатни бузади, ҳароратни кўтарилишига олиб келади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб воҳада нефт-газ саноатини йўлга қўйилиши, ўнлаб йирик корхоналар қурилиши ва уларни атроф-муҳитга салбий таъсири, экологик хавфлилиги етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги бугунги кундан панд бераяпти.

Тоза ва сифатли сув-ҳаёт-момот манбаи. Ота-боболаримиз азалдан об-ҳаётни нон каби қадрлаб келганлар. Барча табиат неъматлари қатори сувнинг ҳам миқдор ва меъёри бор. Қарши чўлларини ўзлаштириш ҳисобига бунёд этилган коллектор - дренаж тармоқлари вақтида тозаланмаганлиги минглаб гектар ер ости суви кўтарилиши ва экин майдонларининг ўта шўрланишига олиб келаяпти. Таҳлиллар, Амударё суви таркибида йод, кальций, магний ва бошқа элементлар миқдори меъёридан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Чиқинди сувлардан мақсадли фойдаланиш, айниқса муҳим. Тўртта энергия блоки 3,2 миллион киловатт соат энергия берадиган Талимаржон иссиқлик электр станцияси қурилиши жараёнида оқава сувларини саноат технологиясида қайта ишлатиш, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланиш дастури ишлаб чиқилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саъй-ҳаракати билан 10 минг аҳоли яшайдиган Нуристон қўрғонида оқава сувни биологик усулда тозалайдиган иншоот ишга туширилди. Республика микробиология институти олимлари билан ҳамкорликда Талимаржон ГРЭСи қурилиш ва коммунал уй-жойлардан чиққан сув ўсимликлари ёрдамида тозалайдиган технологик жараён вужудга келди.

Янги технология самара бермоқда, - дейди биз билан суҳбатда Нишон туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ҳолмурод Кучаров. - Иншоот 10 минг километр чиқинди сувни зарарлантиришга мўлжалланган.

Йил давомида 3 миллион 600 минг кубометр сув тежаб қолинади. Биологик усулида ишлаётган иншоотда бир йилда 12 миллион сўмлик иқтисодий тежамкорликка эришилади. Тозаланган оқава суви билан «Самарқанд» фермерлар уюшмасига қарашли 82 гектар экин майдонлари суғориляпти. Яратилган янгиликдан ҳам аҳоли, ҳам деҳқонлар манфаатдор бўлишяпти.

Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларда хазонларни ёқиш одат тусига кирган. Хазон ёндирилганда инсон саломатлиги учун хавфли ҳисобланган заҳарли диакция моддаси ажралиб чиқади. Йил бўйи барглларга синган зарарли моддалар барглар ёндирилганда ўн баробар кўпайиб, дуд орқали атроф-муҳитга тарқалади. Ёнган хазон уюмларидан дов-дарахтлар, ер-сув ва бутун яшиллик олами зарарланяпти.

Вилоятнинг Қарши туманида хазон ва бошқа чиқиндилардан компос тайёрлаш йўлга қўйилди. Туман коммунал уй-жой бошқармаси ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ташаббуси билан ҳар куни Бешкент шаҳридан ташиб чиқарилаётган 10-12 тонна чиқиндилар ўраларга қўмилиб, зарарсизлантирилади. Темир-терсаклар, шиша синиқлари ва бошқа қаттиқ чиқиндилар териб олинади. Қолганларига махсус ишлов берилиб чиритилади. Тайёр бўлганидан сўнг экин майдонларида ўғит ўрнида фойдаланилади.

Туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Юсуф Рўзиевнинг айтишича, янги усул қишлоқ хўжалигида маъданли ўғитлар сарфини 50 фоизга ва уни сотиб олиш учун сарфланадиган маблағларни бир неча миллион сўмга камайтириш имкониятини яратди. Воҳанинг ҳамма туманларида қаршиликлар тажрибаси кенг ёйилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Яна бир янгилик. Халқаро нодавлат, нотижорат ташкилоти Каунтерпарт Интернейшнл ташкилоти томонидан «Сорос» жамғармаси орқали 12 минг АҚШ доллари миқдорида грант олиниб, туманда Америка чувалчанги (лойхўрак) етиштириш билан шуғулланилмоқда. Митти жониворлар тупроқдан ғовак ҳосил қилиб, биогумус қатламини вужудга келтиради.

Лойиҳа раҳбари, физика-математика фанлар номзоди Абдуҳамид Абдувалиевнинг таъкидлашича, чувалчанглар тупроқ унумдорлигини 2,5 баробар ошириб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишини таъминлайди. Бундан ташқари, халқаро «Евроазия» жамғармаси лойиҳаси бўйича вилоятнинг Шаҳрисабз, Яккабоғ, Косон, Қарши, Нишон туманларида 60 нафар фермерга ер унумдорлигини оширишда амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Тоза ҳаво-танга даво, дейдилар. Маълумотларга қараганда, биргина ўтган йили корхона ва ташкилотлар томонидан 195926 тонна зарарли моддалар чиқарилган. Айрим саноат корхоналарида газ ва чанг ушлагич ускуналарининг таъмирланиши, янги қурилмалар ўрнатилиши ижобий самара беряпти. Муборак газни қайта ишлаш заводида қолдиқ газларни тозаловчи «сульфрен» қурилмаси ва олтингугурт олиш цехида юқори сифатли катализатор ўрнатилди. Қисқа технология асосида ишлайдиган пахта тозалаш заводлари чанг ушлаш мосламалари билан жиҳозланди.

Шунга қарамасдан, саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли моддалар миқдори камайган эмас. Бултур «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонасидан 26208 тонна таркибида азот ва олтингугурт оксиди бўлган моддалар атмосферага чиққан. Эътиборсизлик шу даражага бориб етганки, иқтисодий тежамкорлик баҳонасида корхонанинг экология бўлими техника бўлимига қўшилиб, эколог-муҳандис ўрни қисқартирилиб юборилган.

Муборак иссиқлик маркази ўтган йили табиий муҳитни 1398 тонна газсимон ва суюқ моддалар билан ифлослантирган. Улар таркибида 756 тонна азот икки оксиди, 480 тонна углерод, 125 тонна азот, 30 тонна олтингугурт оксидлари борлиги аниқланган.

Қаршидаги керамзит ишлаб чиқариш корхонасидан чиқаётган чанг-тўзон узоқдан кўзга яққол ташланади. «Нишонпахтатозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида бир йилда 230 тонна чанг атмосфера ҳавосига ташланган. «Касбипахтатозалаш», «Бешкентпахтатозалаш», «Деновпахтатозалаш», «Қаршипахтатозалаш», «Муборакпахтатозалашча» заводлари мўриларидан кўкка ураётган тутун таркибида пахта чанги кўп .

«Қашқадарёгазтаъминот» шуъба корхонасида 1634 тонна ифлослантирувчи моддалар чиқарилган бўлса, шунинг 1621 тоннасини метан гази, 2 тоннасини пропан, қолганини водород сульфид ташкил этади. Вилоят «Иссиқлик манбаи» бошқармаси қозонхоналарида таъмирталабликги сабабли печларда чала ёнган табиий газдан ҳар йили мавсумда 518 тонна углерод ва азот оксиди, қурум ва кукун ҳавони ифлослантирмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ўтказилган «Тоза ҳаво» тадбирида мингдан ортиқ автотранспорт воситаларининг экологик жиҳатдан носозлиги аниқланди. Бунга асосий сабаб, бензиннинг сифатсизлиги ва соляркa аралашганлигидадир. Қарши ва Шаҳрисабз нефт маҳсулотлари корхоналари ҳамда автомобилларга ёнилғи қуйиш хусусий шохобчаларида кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганлиги аниқ сезилиб қолди. Чунончи, минг литр бензиннинг ёнишидан ҳавога 68,4 килограмм, шунча миқдордаги дизел ёнилғисидан 73,1 килограмм, ҳар минг кубометр табиий газнинг ёнишидан 27,1 килограмм зарарли модда атроф-муҳитга тарқалади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 200 дан ортиқ текширишлар ўтказилиб, атмосфера ҳавоси муҳофазаси қонунларини бузган мансабдор шахсларга 600 минг сўмдан зиёд жарима қўлланилди. Бундай жарималар инсон ва табиат ўртасидаги бузилган мувозанатни тиклай олмаслиги ҳаммага аён.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва барча мутасадди кишилар беғубор ва тоза ҳаво руҳий ва жисмоний соғлигимиз кафолати эканлигини унутмасликлари керак. Она табиатни асраш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий заҳираларни муҳофазалаш муқаддас бурчимиз. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино X асрдаёқ таъриф берганларидек: «Агар чанг ва ғубор бўлмаса инсон минг йил умр кўриши мумкин» деган оддий ҳақиқат ҳар бир кишининг қалбидан жой олгандагина ишда силжиш бўлиши мумкин.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни, тармоқларнинг ходимларини Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI KENGASHI

Омад, бахту саодат ҳамиша ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Халқимиз ризқ-насибасини яратаётган азамат деҳқонларимиз, тармоқ ходимларини Конституция куни билан самимий табриклайди

Эзгу ишларингиз ҳамиша баропдан келсин !

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Шу табаррук заминда яшаётган, ўзининг фидойи меҳнати билан жондан азиз Ватанимизни улуғлаётган инсонлар асло кам бўлмасин

Хур Ўзбекистонимиз гуллаб яшнайверсин!





TV дастури

8-14 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ҳаётимиз қомуси».
9.10 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.35 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
12.25 «Камолот калити».
12.45 «Қиш сонатаси». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
14.00 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Ҳаёт дарслиги».
15.00 «Битта байроқ остида».
15.20 «Қиш сонатаси». Телесериал.
16.30 «Сиз Конституцияни биласизми?»
16.50 ТВ клип.
17.00 «Олимп сари йўл». Спорт дастури.
17.15 «Экран хандаси».
17.45 «Аёлини эъзозлаган юрт».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мулкдор».
18.30 ТВ клип.
18.35 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.55 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳаётимиз қомуси».
21.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Байрам дастури.
21.55 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
22.15 «Ошин». Телесериал.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод, Бахтли болалик.
17.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Маҳалла Ватан ичра Ватандир». Видеофильм 4-қисм.
17.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Муқаддас пойтахт».
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ анонс.
19.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни. «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Конституция – кафолатланган келажагимдир». Видеофильм. 5-қисм.
20.10 Сув – ҳаёт манбаи.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 – 23.40 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 бурчак остида».
20.20 «Avto-news».
21.00 «Ўзбекистон Конституцияси-истиқболимиз қомуси».
21.20 ТТВда сериал: «Шаҳарлик фариштa».
22.20 Кинонигоҳ. «Кабелчи».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Спорт масканларида».
16.30 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
16.50 «Парле ву франсе?»
17.10 «Бола бошидан».
17.25 «Евроньюс» янгиликлари.
17.40 «Соломея». Сериал.
18.30 Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 Премьера. С. Безруков «Худуд» фильмида.
22.40 «Бизнес-ревю».
22.45 Кинематограф. «Сўнгги орол». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Риштон мўъжизалари».
9.10 Дутор , танбур тароналари.
9.30 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00 , 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.15 «Адабий жараён».
11.35 Болалар спорти: «Бир умр ҳамрохим».
11.50 , 15.25 ТВ клип.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 Лирик куйлардан концерт.
12.45 «Бизнес ҳафта».
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Қизлар давраси».
15.35 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Олтин бешик».
18.30 «Тафсилот».
18.50 ТВ клип.
19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.30 «Ошин». Телесериал.
22.30 «Оталар - сўзи - ақлнинг кўзи».
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус,
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.35 Бизнес академия.
10.55 ТВ анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 «Гвадалупе». Телесериал.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни. «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Конституция – кафолатланган келажагимдир». Видеофильм. 5-қисм
12.55 Ватан ҳақида қўшиқ.
13.00 Давр.
13.10 ТВ анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».
13.40 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод, Бахтли болалик.
14.15 Интерфутбол.
15.55 Мусиқий лаҳзалар.
16.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.25 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Водил».
16.35 Хазина.
16.50 ТВ - анонс.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман.
17.20 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
17.30 Таянч.
17.50 Ёшлар овози.
18.10 Минг бир маслаҳат.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ – анонс.
19.55 ОИТСсиз келажак сари.
20.40 , 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бир ўлкаки....
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут 2.Теннис.
23.45 – 23.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 22.00, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 бурчак остида».
20.20 «Моҳир».
20.35 «Касб кафолатланган, иш ҳам!» Миллий дастур бўйича кадрлар тайёрланиши ҳақида.
21.20 ТТВда сериал: «Шаҳарлик фариштa».
22.15 «Ҳамшаҳарлар».
22.55 Кинонигоҳ. «Куйлаётган аёл».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ. 8.00-9.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Аншлаг».
17.00 «Хинд оҳанглари».
17.25 «Евроньюс»янгиликлари.
17.40 «Соломея». Сериал.
18.30 Машҳурлар. Владимир Зельдин.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Фош этиш сеҳри».
21.00 «Время».
21.30 «Худуд». Сериал.
22.40 «Бизнес-ревю».
22.45 «FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.55». Ахборот»,
23.30 Кинематограф. Дўст кулфатда билинар»,
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» номойиши : «Умидли усмирлар».
9.25 «Олтин бешик».
9.45 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.15 , 12.35 ТВ анонс.
11.20 «Диёримизнинг гўзал масканлари».
11.40 «Давр садолари» фестивали.
12.05 «Саргузаштлар ороли».
Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.15 «Адабий жараён».
11.35 Болалар спорти: «Бир умр ҳамрохим».
11.50 , 15.25 ТВ клип.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 Лирик куйлардан концерт.
12.45 «Бизнес ҳафта».
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Қизлар давраси».
15.35 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Олтин бешик».
18.30 «Тафсилот».
18.50 ТВ клип.
19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳаётимиз қомуси».
21.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Байрам дастури.
21.55 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
22.15 «Ошин». Телесериал.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод, Бахтли болалик.
17.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Маҳалла Ватан ичра Ватандир». Видеофильм 4-қисм.
17.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Муқаддас пойтахт».
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ анонс.
19.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни. «Буюк келажак пойдевори» туркумидан: «Конституция – кафолатланган келажагимдир». Видеофильм. 5-қисм.
20.10 Сув – ҳаёт манбаи.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 – 23.40 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 22.00, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 бурчак остида».
20.20 «Моҳир».
20.35 «Касб кафолатланган, иш ҳам!» Миллий дастур бўйича кадрлар тайёрланиши ҳақида.
21.20 ТТВда сериал: «Шаҳарлик фариштa».
22.15 «Ҳамшаҳарлар».
22.55 Кинонигоҳ. «Куйлаётган аёл».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ. 8.00-9.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Аншлаг».
17.00 «Хинд оҳанглари».
17.25 «Евроньюс»янгиликлари.
17.40 «Соломея». Сериал.
18.30 Машҳурлар. Владимир Зельдин.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Фош этиш сеҳри».
21.00 «Время».
21.30 «Худуд». Сериал.
22.40 «Бизнес-ревю».
22.45 «FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.55». Ахборот»,
23.30 Кинематограф. Дўст кулфатда билинар»,
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» номойиши : «Умидли усмирлар».
9.25 «Олтин бешик».
9.45 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Тоғлик». Мультсериал.
11.15 , 12.35 ТВ анонс.
11.20 «Диёримизнинг гўзал масканлари».
11.40 «Давр садолари» фестивали.
